Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

16 октябрь, чоршанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 210 (1462)

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

***Вазирлар Маҳкамаси хотин-қизлар ишлари мажмуининг йиғилиши бўлди. Уни Бош вазир ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Д. Ғуломова бошқарди.***

Йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хотин-қизлар билан ишлаш шўъбаларининг шу йил тўққиз ойлик иши натижалари, шунингдек, халқ хўжалиги тармоқларида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг меҳнат шароитини яхшилаш борасида Андижон ва Хоразм вилоятлари хотин-қизлар билан ишлаш шўъбалари амалга ошираётган чора-тадбирлар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар республикамиз хотин-қизлар давлат ва жамият ишларида фаол қатнашаётганини таъкидладилар.

Йиғилишда, шунингдек, оилани мустаҳкамлаш, балоғат ёшига етмасдан турмуш қуришнинг олдини олиш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза этиш каби масалалар кўриб чиқилди. Бу борадаги вазифалар белгилаб олинди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

## АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДА АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУКОФОТИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ҳомийлигида бунёд этилган тарихий обидаларни таъмирлашда қадимий ноёб усулларни жорий этишга қўшган улкан ҳиссалари учун Эгамберди Нуруллаев, Матлабжон Маҳмудов, Абдуворис Фаттоев ва Ражаб Юсуповга 1996 йилги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 15 октябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йилги Алишер Навоий номли Давлат мукофотига Самарқанд шаҳридаги соҳибқирон Амир Темур ҳомийлигида бунёд этилган тарихий обидаларни таъмирлашда қадимий ноёб усулларни жорий этишга қўшган улкан ҳиссалари учун Эгамберди Нуруллаев, Матлабжон Маҳмудов, Абдуворис Фаттоев ва Ражаб Юсуповлар сазовор бўлганлиги маданий ҳаётимизда улкан воқеадир.

Миллатимизнинг фахру ғурури, Ўзбекистонимизнинг оламаро рамзи-тимсолларидан бўлган Самарқанд ЮНЕСКО рўйхатидаги ноёб обидалар масканлари сирасида мустаҳкам жой олган. Буюк давлат арбоби ва маданият ҳомийси Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги байрамига тайёргарлик муносабати билан Самарқандда амалга оширилган улуғвор ишлар кўлами чиндан ҳам бениҳоядир. Қадриятларимизни тиклаш, қадимий обидаларни ўз аслига қайтариш, таъмирлаш, меъморий санъатимизнинг ноёб дурдоналарини қайта гавдалантириш ва халқимизга ҳадя этиш бўйича қўли гул усталар кўрсатган фидойилик ва маҳорат таҳсинга лойиқ. Бугунги Самарқандни кўрган, улкан ёдгорликларнинг абадий сўнмас жилосидан баҳраманд бўлган киши нечоғлик катта ишлар бунёд этилганини аниқ ҳис қилади.

Узоқ йиллар мобайнида Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларнинг қадимий меъморчилик обидаларини, айниқса, Темур ва темурийлар даврига оид тарихий ёдгорликларни таъмирлаш-тиклаш ишларида фаол қатнашиб келаётган мазкур усталарнинг ҳар бири фидоий меҳнат қилиб, ўз қалби, билими ва маҳоратини намоён этди. Улар қадимий меъморчилик сирларини чуқур ўрганиш асосида қурилишнинг асл, тарихий технологиясини заргарона дид билан жорий этиб, юксак санъат даражасига кўтарилган мутаносибликни тиклашга эришдилар.

Асрлар давомида шаклланган технология сирларига асосланиб, турли-туман қурилиш унсурларини моҳирона уйғунлаштириш билан тикланган мазкур обидалар умрбоқийлик касб этиши муқаррардир. Гўри Амир мажмуаси, Бибихоним мақбараси, Сароймулк хоним мадрасаси ва Руҳобод мажмуаси каби кўплаб обидаларнинг бугунги кўриниши бу фикрни исботлаб турибди.

Амалга оширилган бу маҳобатли ишларнинг барчаси мустақиллигимизнинг улкан маҳсулларидан ҳисобланади. Асрлар давомида хароба ҳолга келган, нураб битаётган бу улуғвор биноларни, гумбазу пештоқларни, мақбараю мадрасаларни ўз ҳолига келтириш — бу ҳаққоний фидойилик ва жасоратдир. Улар санъатига халқимиз, йирик хорижий мутахассис ва меҳмонлар таҳсинлар айтиши табиийдир.

Айни замонда бу йилги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига адабиёт, тасвирий ва мусиқа санъатимизнинг бир неча кўзга кўринган вакиллари асарлари ҳам тақдим этилди. Бу асарлар китобхонлар ва мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Мазкур асарларнинг матбуот, телевидение ва радио орқали ҳамда турли кўргазмаларда ижобий баҳолар олганлиги улар маънавий мулкимизнинг салмоқли қисми бўлиб қолганлигидан далолатдир.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари қўмитаси.**



*Буюк саркарда Амир Темур юбилейи олдидан Тошкентни безаш ва янада кўркамроқ этиш устидаги ишлар қизғин тус олган. Шаҳар кўчалари, хиёбонлар ранго-ранг қилиб безатилаяпти.*

*СУРАТДА: «Безаш» ижодий корхонаси рассомлари (чапдан) З. Хуснитдинов, Ф. Хайитметов, М. Имомжонов, М. Илҳомовлар.*

**Муҳаммад АМИН олган сурат.**

## ХУСУСИЙЛАШТИРИШНИНГ БОРИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

***Кеча Республика Вазирлар Маҳкамасида хусусийлаштириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажмуининг йиғилиши бўлди.***

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 4 декабридаги Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисидаги қарорининг ўтган 9 ой мобайнида қандай бажарилганлиги муҳокама этилди. Йиғилишда вазирликлар, корхона ва ташкилотлар ҳамда «Бизнес-фонд» раҳбарларининг ҳисоботлари тингланди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари, Республика Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасининг раиси В. Чжен бошқарди.

(Мажлис хусусидаги батафсил материал газетамизнинг келгуси сонларида берилади).

**Ўз мухбиримиз.**

*• Илғорлар тажрибаси*

## ОИЛА ПУДРАТИ САМАРАСИ

**Хўжалик юритишнинг қайси усулига ўтманг, асосийси, у фойда келтирсин. Уни келаётган даромадга қараб меҳнаткашларнинг ўзи танлаб олади.**

***Масалан, Бухоро тумани далаларида оилавий пудрат кенг йўлга қўйилган. Сабаби — шу иш тутимида деҳқоннинг моддий манфаатдорлиги ошиб бормоқда.***

Ўтган йили туманда 6517 гектар майдонга ғалла экилиб, давлатга 9395 тонна ўрнига 9610 тонна дон сотилди. Туман ҳосилдорлик бўйича вилоятда иккинчи ўринга кўтарилди.

— Баъзи майдонларда ҳосилдорлик 50 центнерга етди, — дейди туман агрохизмат уюшмаси раиси Ҳайит Қудратов. — Муваффақиятларимизнинг асосий омили ғалла майдонларини оилавий пудратчиларга бўлиб берганимиз бўлди.

Ҳақиқатан ҳам оилавий пудратда кимнинг нимага қодирлиги дарҳол кўринади. Масалан, «Ўзбекистон» жамоа хўжалигидаги Худойберди Шаропов бошлиқ оилавий пудрат аъзолари 2,6 гектар ернинг ҳар гектаридан 59 центнердан ҳосил кўтариб, 34 минг сўм соф даромад қилишди. Албатта, бу уларга берилган ғалла ва сомондан ташқари. Ёки «Ўрта Осиё» жамоа хўжалигининг Саид Қодиров бошчилигидаги оилавий пудратчилар гектаридан 51 центнердан ҳосил олиб, 31 минг сўм соф даромад қилишди.

Тумандаги бирорта пудратчининг норози бўлиб гапирганини эшитмадик.

— Ҳақиқий меҳнат қилган одам нолимайди, — дейди «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги оилавий пудрат раҳбари Саъдулла Ҳамдамов. — Биз бола-чақамиз билан 16 гектар майдонга ғалла экkan эдик. Давлатга 50 тонна ўрнига 80 тонна дон сотдик. Ишонасизми, соф даромадимиз 119 минг сўм бўлди.

Албатта, ер эгасини топгандагина ундан самарали фойдаланиш мумкин. Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигидаги оилавий пудрат бошлиғи Гулсанам Ғиёсова аёл боши билан 6 гектар майдонда меҳнат қилиб, ҳар гектар ердан 63 центнердан ҳосил етиштирди ва 56 минг сўм соф даромад олди.

Бу йил 6550 гектар майдонга кузги ғалла эккан туман деҳқонлари гектаридан 40 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашяпти.

— Ғалла экишни 20 октябргача тугаллаш чора-тадбирлари кўрилган, — дейди туман ҳокими Элмурод Шомуродов. — Бунинг учун далаларимизда 24 та мослама, 18 та сеялка тинимсиз ишламоқда. Ҳайдовчиларга барча қулайликлар яратиб берилган. Вазирлар Маҳкамасининг шу йил август ойидаги «1997 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинлари экишнинг ташкилий-иқтисодий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан энди етиштириладиган доннинг 75 фоизи хўжаликлар ихтиёрида қолдирилар экан. Бу қарор хўжаликлар ва пудратчиларни янада руҳлантириб юборди...

Дарвоқе, пудратчиларнинг бу қарордан мамнун эканликларини юз-кўзларидан ҳам билиш мумкин. Биз хўжаликлар ва пудратчилар ўртасидаги шартномаларни ҳам кўздан кечирдик. Бу йил пудратчилар сафи ўсганидан маълумки, ушбу усулда фаолият кўрсатиш қўл келмоқда. Шартномалар рисоладагидай тузилган. Туманда келгуси йили 21469 тонна дон етиштирилиши керак.

Бухоро тумани деҳқонлари пахтачиликда ҳам илғорликни қўлдан беришмаётир. Айни кунда бу соҳада вилоятда иккинчи ўринда боришмоқда. Ҳозирги кунда режанинг қарийб учдан икки қисми бажарилди. Теримчиларга ҳар беш кунда килосига 2 сўмдан пул тўланмоқда. «Дўстлик» жамоа хўжалигидаги 13-бригада теримчиси Нурбиби Ярашева 10 кунда 6 тонна пахта териб, 12 минг сўм даромад қилди.

— Ҳеч қачон пахтамиз бунчалар қадрланганини билмайман, — дейди Нурбиби опа. — Ҳукуматимиз пахтакорни қадрлаётган экан, биз ҳам бунга ўзимизнинг меҳнатимиз билан жавоб берамиз...

Пахта теримида «Ипакчилик», «Ўзбекистон», У. Юсупов номли, «Бухоро», «Ўрта Осиё» жамоа хўжаликлари пешқадамлик қилиб, туман пахтакорлари режани бажарадиган кунни тобора яқинлаштирмоқда.

**Маннон ОТАБОЙ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ХАЛҚАРО СЕМИНАР ИШ БОШЛАДИ

***15 октябрь куни Ўзбекистон Истиқболни белгилаш ва статистика Давлат қўмитасида БМТ Европа бўйича иқтисодий комиссиясининг халқаро юк ташувчи транспорт ҳаракатини осонлаштириш муаммоларига бағишланган семинари очилди.***

Семинар Ўзбекистон ва Голландия ҳукуматлари, шунингдек, БМТнинг Осиё ва Тинч океани бўйича ижтимоий комиссияси (ЭСКАТО), автомобиль транспорти халқаро иттифоқи, темир йўллар бўйича ҳамкорлик ташкилоти ҳамда халқаро сайёҳлик альянси (ХСА) томонидан ташкил этилди. Унда МДҲ мамлакатлари, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари вакиллари ҳамда халқаро кузатувчилар қатнашмоқда.

Бир ҳафта давом этадиган мазкур семинарда ўтиш даври жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларда халқаро юк ташувчи транспорт ҳаракатини осонлаштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

Семинарнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари К. Раҳимов иштирок этди.

**(ЎзА).**

## УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ БИЛАН

***Илгари хабар қилганимиздек, яқинда Пекинда бўлиб ўтган Парламентлараро Уюшманинг 96-конференциясида мамлакатимиз Олий Мажлиси делегацияси ҳам иштирок этди. Шу муносабат билан мухбиримиз мазкур анжуман иштирокчиси, парламент делегацияси аъзоси, Олий Мажлис Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Баҳриддин НАИМОВга бир неча саволлар билан мурожаат қилди.***

**— Баҳриддин Азимович, даставвал Парламентлараро Уюшманинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Парламентлараро Уюшма — халқаро ташкилот бўлиб, жаҳондаги мустақил давлатлар парламентларининг уюшмасидир. XIX аср охирларида, яъни 1889 йилда тинчлик учун курашувчи парламентарийлар — Буюк британиялик Вильям Рэндэл Крэмэр ва франциялик Фредрик Пассу биргаликда Парижда биринчи Парламентлараро Уюшма конференциясини ташкил этишди. Унинг ишида тўққиз давлат ва учта контингент вакиллари иштирок этишди. Шу пайтдан бошлаб Парламентлараро Уюшманинг фаолият тарихи бошланди.

Мазкур ташкилот дастлабки вақтданоқ тинчлик учун халқаро ҳаракатга фаол иштирок эта бошлади. Шу ўринда фикримизнинг исботи тариқасида биргина мисолни тилга олиб ўтмоқчиман. Нобель мукофотининг саккизтасига, шу жумладан, дастлабки учтасига айнан мана шу — Парламентлараро Уюшма раҳбарлари: Фредерик Пассу (Франция, 1901), Алберт Гобт (Швеция, 1902), Вильям Рэндэл Крэмэр (Буюк Британия, 1903), Фредерик Байер (Дания, 1908), Август Бейернарт (Бельгия, 1909), Генри Ла Фонтэн (Бельгия, 1912), Христиан Лэнгу (Норвегия, 1921), Генри Бунссон, (Франция, 1927) сазовор бўлишган.Айни пайтда Парламентлараро Уюшма дунёдаги 134 мамлакат парламентларини бирлаштиргандир. Шунингдек, унинг таркибига уюшган аъзо сифатида Лотин Америкаси парламенти вакиллари ва Европа Кенгаши Парламент ассамблеяси ҳам киради.

Парламентлараро Уюшма ўз фаолияти давомида бутун дунё парламентлари ва парламентарийлари билан алоқаларни мувофиқлаштириш ва улар билан тажриба алмашиш, халқаро аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда ўз муносабатини билдиради, парламентлар ва улар аъзолари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида ваколатли ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги маълумотларни тарқатишга кўмаклашади, уларнинг иш услубларини яхшилаш ва такомиллаштиришга ёрдам беради.

**(Давоми 2-бетда).**




## АФҒОНИСТОНДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

***Икки ҳафта бурун Қобулни босиб олган толиблар бугунга келиб шаҳарга ҳужум қилаётган ҳукумат қўшинларидан мудофаа қилишга тайёргарлик кўрмоқдалар, деб хабар беради Ассошиэйтэд Пресс мухбири Афғонистон пойтахтидан. Худди шу агентлик «Толибон»га қарши курашаётган афғон раҳбарларининг Саланг довонида учрашганини хабар қилди.***

Ғарб ахборот агентликлари толибларнинг ҳарбий раҳбарларидан бири бўлган Мулла Абдул Раззоқни ҳукумат қўшинлари асир олишганини хабар берди. Буни ҳозирча толиблар тасдиқлашгани йўқ.



*Аёллар ва болалар Қобулни ташлаб кетишаяпти.*

**Рейтер фотоси.**

Толиблар Қобулда шафқатсизликни давом эттиришмоқда. Улар маъмурий биноларни вайрон қилиб, газета ва журналларни, картиналар ва видеокассеталарни ёқиб юборишмоқда, деб хабар беради Би-Би-Си. «Толибон» ҳарбий вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилмоқда. Бироқ унинг бир қисм тарафдорлари пойтахт остоналарига яқинлашиб қолган ҳукумат қўшинлари томонига ўтишмоқда. Аҳолининг ҳукумат қўшинларини қўллаб-қувватлаши кучайиб бормоқда. Гувоҳлар ҳукумат қўшинларини пойтахтдан 5 километр бўлган масофада кўришганини айтишмоқда.

Толиблар қўшинлари Афғонистон пойтахтига чекинишмоқда, деб хабар беради Рейтер агентлиги. Афғонистон раҳбарларининг аввалги гина-кудратларини унутиб, «Толибон»га қарши бирлашишгандан сўнг ана шу воқеалар содир бўлди.

## ПРЕЗИДЕНТ ЎЗ ТАКЛИФИНИ БЕКОР ҚИЛДИ

***Белорусь парламенти янги Конституция бўйича референдум ўтказиш кунини бошқа кунга кўчиришга қарор қилгандан сўнг, Президент Лукашенко янги Конституция лойиҳаси бўйича ўзининг ён беришларини бекор қилди.***

Бундан ташқари у, бундан буён ҳеч қачон парламентга ён бермайман, деб баёнот берди. Бу ҳақда Россия ва Белорусь ахборот маҳкамалари хабар тарқатишди. Лукашенко Россия Президенти Борис Ельцин Конституция бўйича референдум ўтказиш режасини қўллаб-қувватлаганини маълум қилди.

## ВАЗИРНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

***Румыния ташқи ишлар вазири Теодор Мелескану ўз мамлакатининг НАТОга аъзо бўлиб кириш кампаниясини давом эттирмоқда.***

У худди шу масала юзасидан Лондон ва Парижга келиб Британия ташқи ишлар вазири Малком Рифкинд ва Франция Европа ишлари вазири Мишель Барнье билан учрашди. Шунингдек, у Брюселда НАТО бош котиби Хавьер Солана билан ҳам учрашиб унга Румыния Президенти Ион Илиескунинг мактубини топширди. Айни пайтда Румынияда «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳарбий машқлар бошланди. Унда АҚШ, Туркия, Греция, Италия ва, шунингдек, НАТОга аъзо бўлмаган Чехия, Словакия ва Молдова вакиллари иштирок этмоқда. Бу ҳақда Бухарест радиоси хабар берди.

## ЛЕБЕДНИНГ БАЁНОТИ ҚАРШИЛИККА УЧРАДИ

***Қора денгиз флотининг «Флаг Родины» газетасида эълон қилинган Лебеднинг очиқ хатини Украина Ташқи ишлар вазирлиги кескин танқид қилди.***

Россия хавфсизлик кенгаши котиби газетада эълон қилинган хатида Севастополь Украинага расмий жиҳатдан ҳеч қачон берилмаган ва у ҳуқуқий жиҳатдан Россия шаҳри мақомини йўқотмаган, деб баёнот берган. Ушбу хат ҳақида Украина ва Ғарб давлатлари оммавий ахборот воситалари хабар тарқатишди. Украина ташқи ишлар вазири Геннадий Удавенко ўз ўринбосари Сергей Криловнинг Севастополь ҳуқуқий жиҳатдан Украина шаҳри бўлиб, Россия Президенти Борис Ельцин Украинага ҳеч қандай ҳудудий даъво қилмаган, деган баёнотини қўллаб-қувватлашни маълум қилди.

# ЎЗБЕКИСТОН: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

## СУПЕРМАРАФОН НИҲОЯСИГА ЕТДИ



***Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб Шаҳрисабз — Тошкент йўналиши бўйича ўтказилган супермарафон ниҳоясига етди.***

Республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбир иштирокчилари, яъни супермарафончилар 5 октябрь куни Шаҳрисабз шаҳридан старт олишган эди.

Кеча спортчилар соат 16-00 да кўзланган манзил — Амир Темур хиёбонига етиб келишди. Байрамона безатилган хиёбонда марафончиларни миллий либосдаги қизлар, раққосалар, ёшлар, талабалар ва бошқа йиғилганлар карнай-сурнай садолари остида гуллар билан кутиб олишди.

Шундан сўнг марафончилар соҳибқирон юртидан келтиришган муқаддас тупроқ Амир Темур ҳайкали пойига сочилди.

Спортчиларни тақдирлаш маросимида сўзга чиққанлар республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Б. Махситов, республика ёшлари «Камолот» жамғармаси раиси С. Абдураимов ва бошқалар супермарафон қатнашчиларини қутлаб, уларнинг фидойиликлари ҳақида, супермарафон Амир Темур юбилейи йилидаги энг катта тадбирлардан бири бўлганлиги тўғрисида тўлқинланиб гапиришди.

Тантанали маросим сўнггида барча марафончиларга турли ташкилотларнинг эсдалик совғалари топширилди.

## БИР УЧРАШУВ ҲАҚИДА АСАР

***Мамлакатимизда Германия маданияти кунлари давом этмоқда. Шу тадбир доирасида 15 октябрь куни Ўзбекистон давлат тарихи музейида ГФРнинг «Линден-музеум» музейи томонидан ташкил этилган «Германия ва Марказий Осиё — бир учрашув ҳақида асар» номли фото кўргазманинг очилиш маросими бўлди. Мазкур кўргазма Ўрта Осиё халқларининг 19 аср охири ва 20 аср бошларидаги ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.***

Кўргазманинг очилиш маросимида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳалардаги алоқалар тобора ривожланиб бораётгани, ушбу кўргазма ҳам икки давлат халқлари дўстлиги ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Маросимда Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Райнхарт Биндзайл иштирок этди.

## «АНДИЖОНЧА УСУЛ» ЎРГАНИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташаббуси билан Андижон қишлоқ хўжалиги институтида пахтачиликда «Андижонча усул»ни ўрганиш ўқув маркази ташкил этилди.***

Илк машғулот плёнка остига чигит экиш ташаббускорларидан бири — Республика қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари М. Султоновнинг маърузаси билан бошланди. Барча вилоятлар ва Қорақалпоғистондан келган тингловчилар ўн кун давомида чигитни плёнка остига экиб парваришлаш технологиясини ўрганадилар. Институт ўқув-тажриба участкасида, янги усулни қўллаб мўл ҳосил етиштираётган хўжаликларда тажриба алмашадилар.

## ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***15 октябрь куни Покистон Ислом Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Шафқат Али Шайх оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.***

Суҳбат чоғида элчи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, халқларимиз дўстлиги ва биродарлиги узоқ ўтмишга бориб тақалишини қайд этиб, бугунги кунда асрий анъаналарга эга бўлган алоқаларнинг янгича шаклда ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Шунингдек, Покистон элчиси 18-20 октябрь куни Покистон Ислом Республикаси Президенти Фаруҳ Аҳмад Хон Легҳари раҳбарлигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташриф буюражагини маълум қилиб, бу ташриф дўстона муносабатларимизни янги босқичга кўтариши, қишлоқ хўжалиги, маданият ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилажагига умид билдирди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 1995-96 молия йилида 60 фоиз ўсди.

• АЛОҚА ТИЗИМИ

# «ЎЗДУНРОБИТА» САФИГА ЯНГИ КОРХОНАЛАР ҚЎШИЛМОҚДА

**Мамлакатимизда «Ўздунробита» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонасининг фаолият кўрсатаётганига беш йилдан ошаяпти.**

***Ўтган вақт ичида ушбу корхона республикамизда телекоммуникация тизимини ривожлантириш борасида салмоқли ишларни бажарди. Бу ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади.***

Бугунги кунда Тошкент, Самарқанд, Урганч, Қарши, Бухоро, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларида барпо этилган янги радиотелефон тармоқлари станцияси аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда. Мижозлар сони эса етти мингдан ошиб кетди. Муҳими, мижозлар ортиши билан белгиланган хизмат нархлари кун, ой сайин арзонлаштириб борилмоқда. Станция ва радиотелефонлар эса доимий равишда замонавий ва ихчам ускуналар билан алмаштирилиб, янгиланмоқда.

Бироқ шу нарсани таъкидлаш лозимки, энди «Ўздунробита» Ўзбекистон телекоммуникация тизими ёлғиз эмас. Унинг сафидан яна бешта қўшма корхона ўрин олди. Рақобатчилар сони эса йил сайин ортиб бормоқда. Масалан, уларнинг иккитаси ҳозирданоқ ўзининг юз фоизлик сармоясини республика телекоммуникация тизимини ривожлантиришга сарфлаш истагини билдираяпти.

Яқинда Алоқа вазирлигида яна шу олтита хорижий рақобатчи корхона раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. «Рубикон» ва «Коском» Ўзбекистон-Америка қўшма корхоналари, «Ўзмаком» Ўзбекистон-Малайзия, «DAEWOO CENRAL PAGING CJMP — «Бўзтел» Ўзбекистон-Корея, «BAKRLE GROUP» Ўзбекистон-Индонезия ва «Ўздунробита» қўшма корхоналари шулар сирасига киради.

— Хабарингиз бор, — деди Алоқа вазири Абдувоҳид Жўрабоев йиғилганларга, — уяли телефон алоқаларининг ривожланиши бўйича дунёда тўртта гуруҳга кирувчи давлатлар мавжуд. Ўзбекистон ҳозирча иккинчи гуруҳга кирди. Уни янада юқори ўринга чиқариш эса кўпроқ сиз, сармоядорларнинг саъй-ҳаракатларингизга боғлиқ. Шунинг учун сизлар ҳозирча бир-бирларингиз билан рақобатчи сифатида эмас, аксинча, ҳамкор сифатида иш юритишларингиз мақсадга мўвофиқдир. Чунки ишлаб чиққан дастуримиз ва олиб борган тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Ўзбекистон аҳолисининг бир фоизи, яъни 230 минг киши шундай замонавий телефон алоқа тизимига эҳтиёж сезмоқда. Ҳозирча уларнинг сони ўн мингдан зиёдроқни ташкил этади.

Вазир сўзининг охирида хорижий сармоядорларга эндиликда қўшма корхоналар барпо этишда Алоқа вазирлиги ҳаммуассис сифатида иштирок этмаслиги ва, аксинча, корхоналарининг ўзи ҳаммуассис ҳам ташкилотчи сифатида иш юритишлигини маълум қилди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон телекоммуникация тизимида янги бешта қўшма корхона иш бошлади. Улардан иккитаси турдош техникалар ёрдамида иш юритса, шунчаси цифрли, қолгани эса AMPS андозасида фаолият кўрсатади.

Улар қайси андозада ҳаракат қилмасин, республикамиз алоқа тизимини янги поғонага олиб чиқиши шубҳасиз. Республика алоқа тизимига замонавий хорижий технологияларнинг жадаллик билан кириб келиши эса биринчи навбатда алмисоқдан қолган асаббузар телефон тармоқларига чек қўйса, иккинчидан, бир жой билан иккинчи жой ўртасида алоқа ўрнатиш учун узундан-узун кабеллар тортиб боришга эҳтиёж қолмайди. Бу ўз навбатида қанчадан-қанча маблағларнинг беҳуда совурилишига чек қўяди.

Биз юқорида «Уяли алоқа тизимига ҳозирча Ўзбекистон аҳолисининг бир фоизгина қисми эҳтиёж сезмоқда», — дедик. Ўйлаймизки, иқтисодиётимиз яқин йиллар ичида тўлиқ изга тушиб олгач, халқимизнинг бундай алоқа тизимига бўлган талаби тағин-да ортади. Ахир, митти, ихчам чўнтак телефонларида сўзлашишни ким ҳам истамайди, дейсиз.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



*Бирор кишига бундан кўп эмас бир йил олдин «бу ер тўрт томони тўкилиб кетган девор, уйдим-чуқур йўл, қовжираб қолган жой эди», десангиз, унинг ҳозирги ҳолатини кўриб «қўйинг-э, ҳазил ҳам эви билан-да», деб ҳайратланарди. Зеро, бунинг учун тўла асос бор. Сирдарё шаҳар туманлараро ер-мой маҳсулотлари тарқатиш идораси жорий йилда 11 миллион сўмлик қурилиш-ободонлаштириш ишларини бажарди. Аввал девор тўсиқлар қайтадан янгиланди, ошхона, янги дарвоза қурилди, микроклимит, операторлар учун махсус бино барпо этилди. 1300 м/квадрат асфальт ётқизилди, 38 та сиғим бўялди. Идора ичидаги боғ ва ҳовлига эса сув тортилиб, кўркамлаштирилди. Уни ўз кўзингиз билан кўрсангиз кўзингиз яйрайди, баҳри дилингиз очилади.*

*СУРАТЛАРДА: Ушбу корхонадан лавҳалар.*

# УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ БИЛАН

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

**— Парламентлараро Уюшма ўз олдига қўйган вазифаларни қай йўналишларда олиб боради? Қайси кўринишлар ва усулларда у ўзининг вазифалари ҳамда фаолиятини амалга оширмоқда?**

— Парламентлараро Уюшма раҳбарликни 1976 йилда қабул қилинган Низом асосида амалга оширади. Мазкур Низомга биноан Уюшма Парламентлараро конференция, Парламентлараро Кенгаш, Ижроия қўмита ва Котибиятдан иборат бўлган таркибий тузилишга эгадир. Парламентлараро конференция бир йилда икки марта — баҳор ва кузда чақирилади. Қоида бўйича у мазкур Уюшмага аъзо бўлган турли мамлакатларда ўтказилиши мумкин. Ҳар бир конференциянинг ўзига хос жиҳати шундаки, уларда, албатта, парламентарий — аёллар иштирок этишиб, ҳар гал алоҳида ўзларининг мажлисини ўтказишади. Барча конференцияларнинг муваффақиятли ўтиши учун тўртта тайёргарлик қўмиталари иш олиб боришади. Булар — Халқаро хавфсизлик, қуролсизланиш ва сиёсий масалалар қўмитаси, Парламент, ҳуқуқий ва инсон ҳуқуқлари масалалари қўмитаси, Иқтисодий ва социал масалалар қўмитаси, Таълим, фан, маданият ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталаридир.

Парламентлараро Уюшма ўз фаолиятини Низомдан келиб чиқадиган масалалар асосида бошқаради ва уларнинг устидан назоратни амалга оширади. Шунингдек, дунёда юз бераётган турли хил воқеалар юзасидан Уюшманинг ўз нуқтаи назарини ифода қилади.

Уюшма (IPV) БМТнинг аниқ мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайди ҳамда у билан мустаҳкам алоқа қилган ҳолда иш юритади.

Ижроия қўмита Парламентлараро Уюшманинг маъмурий органи ҳисобланиб, 13 кишидан иборатдир. Уларнинг камида икки нафарини аёллар ташкил этиши лозим. (Ҳозирги вақтда улар тўрт киши).

Котибият Уюшманинг доимий бошқарув органи саналади. Уюшма раҳбариятининг халқаро конференцияларга боришини таъминлайди, бошқа халқаро уюшмалар билан алоқаларини қўллаб-қувватлайди ҳамда яна бир қатор вазифаларни бажаради. Халқаро Уюшма ўзининг Женева шаҳрида жойлашган қароргоҳига эга.

**— Мамлакатимизнинг Парламентлараро Уюшмадаги иштирокини билиши муштарийлар учун қизиқарлидир...**

— Республикамиз мустақилликка эришгач, Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ўз ички ва ташқи сиёсатини умум эътироф этилган халқаро қоида ва тамойилларга изчил риоя қилган ҳолда амалга ошира бошлади. Ўзбекистон айни пайтда кўплаб нуфузли халқаро ташкилотларнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлиги фикримизнинг ёрқин далилидир. Жумладан, Парламентлараро Уюшманинг 1992 йили Швецияда бўлиб ўтган 88-конференциясида Ўзбекистон мазкур халқаро ташкилотнинг аъзолигига қабул қилинди. Шундан буён мамлакатимиз парламентарийлари Парламентлараро Уюшманинг ҳар бир конференциясида фаол иштирок этиб келишмоқда. Олий Мажлис фаолияти давомида парламентимиз делегацияси Парламентлараро Уюшманинг 1993 йилги Мадрид, 1994 йилги Будапешт (1995), 1995 йилги Истамбул (1996) ва 1996 йилги Пекин конференцияларида қатнашдилар.

Мен шу ўринда Пекин анжумани иши ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчи эдим. Унда Парламентлараро Уюшмага аъзо бўлган 120 та давлат, 3 та асоциатив аъзо, бундан ташқари 21 та давлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари кузатувчи сифатида қатнашишди. Уюшманинг 96-конференциянинг тантанали очилиш маросимида ХХР раиси Цзянь Цзэминь ҳозир бўлиб, иштирокчиларга табрик сўзи билан мурожаат қилди.

Парламентлараро Уюшма 96-конференциясида ХХР ВСНПи, Доимий Комитети Раиси ўринбосари Тянь Цзиюнь унинг раҳбари этиб сайланди.

Конференцияда аёллар ва болаларнинг инсоний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтисодиёт либерализацияси вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари олиш ҳуқуқини таъминлаш, жаҳоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалари аҳволи юзасидан баҳс-мунозаралар бўлди.

Конференция иштирокчилари чиқишларида тинчлик учун келгусидаги курашларнинг зарурияти, бутун дунё хавфсизлиги, экологик ҳалокатларнинг олдини олиш, демократик тамойиллар ривожи, ҳуқуқий жамият қуриш, келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этиш, инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари хусусида сўз борди. Бундан ташқари, дунёнинг айрим мамлакатларида аёлларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилганлиги, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовут, очлик ва қашшоқлик, болалар меҳнатидан фойдаланиш, улар ўртасида жиноятчиликнинг ўсиши ва бошқа турли ижтимоий муаммолар жиддий ташвиш билан тилга олиб ўтилди.

**— Республика парламентарийлари чиқишларида қандай муаммолар кўтарилди?**

— Делегациямиз раҳбари, Олий Мажлис Раиси ўринбосари Акмалжон Қосимов дунёдаги мавжуд сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар юзасидан сўзга чиқди. У киши ўз чиқишида, шунингдек, Парламентлараро Уюшманинг жаҳондаги ривожланаётган давлатлар билан ҳамкорлиги самарадорлигини ошириш, бундай халқлар ва давлатларга ўз мустақиллигини мустаҳкамлаб, ички имкониятларига асосланган мустақил тараққиёт йўлини қатъий белгилаб олиш, халқаро эътироф этилган демократик тамойиллар ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш қоидаларига оғишмай риоя этишида амалий кўмак бериши лозимлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Президентимиз Ислом Каримов умумий хавфсизликка минтақалараро хавфсизликни таъминлаш орқали эришиш мумкинлигини бир неча бор таъкидлаган эди. Шундай экан, Парламентлараро Уюшма жаҳон ҳамжамиятидаги энг мўътабар тузилмалардан бири сифатида ҳар қандай танглик, у Африкада юз берадими, яқин Шарқдами, Форс кўрфази ҳудудларидами ёки Марказий Осиёдами, қаерда бўлмасин, бундан қатъий назар бефарқ қараб туролмаслиги лозим.

Бугунги кунда Афғонистон ва Тожикистондаги можаролар, айниқса, ўткир муаммо бўлиб турибди. Уларни бартараф этиш эса барча халқаро ташкилотлар, жумладан, Парламентлараро Уюшманинг ҳам эътиборини кучайтиришни талаб этади. Парламент делегацияси конференцияда парламент ушбу минтақада тинчликка қаратилган чора тадбирлар мажмуини тасдиқлаб олишни таклиф қилди. Парламент делегациясининг эътиборини ўзига тортган яна бир муҳим муаммо XX ва XXI аср чегарасида дунё миқёсига кўтарилган экология масаласи бўлди. Бу борада биз Орол денгизи билан боғлиқ муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ва усулларига Парламентлараро Уюшманинг тегишли қўмиталари томонидан алоҳида эътибор берилиши лозимлигини таклиф қилдик.

Парламентлараро Уюшмага аъзо давлатлар парламентарий-аёллари мажлисида аёлларнинг парламент фаолиятидаги ролини ошириш, унинг ишидаги самарали иштироки масалалари юзасидан мамлакатимиз парламент делегацияси вакили, Олий Мажлис депутати М.Азимова сўзга чиқди.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.**

**«Халқ сўзи» мухбир**
**Ғофур ШЕРМУҲАММАД**
**суҳбатлашди.**

# «ЯШИЛ БЕЛБОҒ»

***Япониянинг «Рим белт» — «Яшил белбоғ» ташкилоти делегацияси Самарқандга ташриф буюрди.***

Кунчиқар мамлакатидан келган меҳмонлар яхши ният билан Амир Темур номидаги болалар истироҳат боғида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқаздилар.

— Бундай дўстона тадбирлар мустақиллигимиз рамзи, дўстлигимизнинг эса кун сайин ривожланаётганидан дарақдир, — дейди халқаро «Экосан» ташкилоти Самарқанд шаҳар бўлими бошлиғи Ш. Аббосов. — Делегация аъзоларининг мамлакатимизга, хусусан, Самарқандга ташрифидан мақсад экологик тадбирлар уюштириш, шунингдек, халқимизнинг бой тарихи, унинг маданий-маърифий анъаналари ҳамда удумлари билан танишишдир.

# ТАРИХИЙ ЖОЙЛАР БЎЙЛАБ

Андижон шаҳрининг Султон Жўра номидаги маҳалласининг бир гуруҳ уруш ва меҳнат фахрийлари Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ тарихий жойлар бўйлаб қилинган сафардан қайтиб келди. Сафар маҳалла қўмитаси фаоллари ташаббуси билан уюштирилган эди. Зарур маблағни эса шаҳар ҳокимлиги ажратди.

• Олий таълим

# САРЧАШМА

**Мамлакатимизда маънавиятни ривожлантириш, халқ меросини авайлаб асраш ҳақида кўрилаётган чоралар бу соҳада мутасадди бўлган кишилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди.**

Хусусан, юксак маънавиятга саводхонлик ва адабий жараён ҳақида етарли тасаввурсиз эришиш қийин. Худди шу ҳолни эътиборга олиб, республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1991 йил 25 октябрда махсус буйруқ билан талабаларнинг гуманитар тайёргарлик сифатини ошириш мақсадида 1992 йил 1 сентябрдан бошлаб ўзбек тилида ўқитиладиган нофилологик гуруҳларга 70 соат ҳажмида «Ўзбек тили ва адабиёти» курси жорий этган эди. Мазкур буйруққа мувофиқ дастур тайёрланди ва таниқли олимлар Ғанижон Абдураҳмонов ва Салоҳиддин Мамажонов қўлланма тузиб, 1995 йилда нашр этдилар. Эътироф этиш керакки, бўлажак шифокорлар, муҳандислар, ҳисобчилар, ҳосилотлар ва бошқа ишлаб чиқариш соҳасида хизмат қилишга бел боғлаган ёшлар дунёқарашининг шаклланишида, ўзбек халқининг бой маънавий меросидан баҳра олишида бу курсларнинг аҳамияти катта. Талабалар имло саводхонлигини мустаҳкамлаш, бадиий завқни тарбиялаш бўйича салмоқли малакага эга бўлдилар. Зеро, ўз фикрини равон ва хатосиз ёзма ифодалай олиши, адабий саводхонлик ҳар қандай олий маълумотли киши учун заруратдир.

«Ўзбек тили ва адабиёти» номи билан нашр этилган қўлланмада давлат тили мақомини олган ўзбек тилининг жаҳон тиллари орасида тутган ўрни, шунингдек, адабий тилимизнинг шаклланиши ва тартиби, шевалар тўғрисида мухтасар маълумот берилган. Унда имло ва талаффуз қоидалари, тиниш белгиларнинг ишлатилиши, расмий иш қоғозларини тузиш тартибига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, ҳозирги замон адабий тилининг сўз бойлиги, атамалар, луғатлар ва улардан фойдаланиш йўллари кўрсатиб ўтилади. Қўлланмада, айниқса, ҳозирги ўзбек адабий тили услубларининг шаклланиши ҳам батафсил ёритилган. Иккинчи қисмда узоқ тарихга эга бўлган ўзбек мумтоз адабиёти, унинг XX асрдаги вакиллари ҳамда замондош адиблар ҳақида сўз боради, уларнинг йирик асарлари таҳлил қилинади. Бу маълумотлар талабада маълум тасаввур ҳосил қилади.

Шу ўринда таассуф билан таъкидлаш жоизки, олий ўқув юртлари ҳаётига сингиб бораётган ана шу курсни ўқитишда изчиллик йўқолди. Кўпгина олий ўқув юртлари маъмуриятлари қандайдир баҳоналарни рўкач қилиб, мустақиллик шароитида муҳим аҳамият касб этувчи дарсларни жадвалдан олиб ташладилар. Ҳолбуки, бу курс маънавиятни шакллантириш, бадиий дидни ўстириш, саводхонликни такомиллаштириш борасида муҳим вазифани бажараётган эди. Ахир буларсиз, яъни маънавиятга элтувчи сарчашмаларсиз янги давр кишисини тарбиялаб бўладими? Мабодо, барча нофилологик олий ўқув юртларида ўзбек тили ва адабиёти курслари юқори савияда ўқитилиши таъминланса, Президентимиз ва ҳукуматимиз қўяётган талабларни бажариш йўлидаги муносиб амалий жавоб бўларди. Қолаверса, мазкур қўлланмани янада такомиллаштириб, унда мустақиллик йилларида қўлга киритган қадриятларимиз — Аҳмад Ясавий ва Баҳовуддин Нақшбандий таълимоти, соҳибқирон Амир Темур фаолияти ҳақида ҳам янги маълумотлар киритиш, замонавий адабий жараён ҳақидаги қисмни тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди. Хуллас, юксак тушунча ҳисобланмиш баркамол маънавиятга саводхонлик ҳамда бадиий малакасиз эришиш қийин.

**Комила РАҲИМОВА,**
**филология фанлари номзоди.**

# ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1996 йил 15 октябрда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклари иштирок этди.

**Сотув ҳажми 22,13 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати 40,10 сўм даражасида қайд этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1996 йил 16 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 31,74 |
| 1 Австрия шиллинги | 3,73 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 63,40 |
| 10 Бельгия франки | 12,72 |
| 1 Голландия гульдени | 23,36 |
| 10 Греция драхмаси | 1,68 |
| 1 Дания кронаси | 6,84 |
| 1 БАА дирхами | 10,92 |
| 1 АҚШ доллари | 40,10 |
| 1 Миср фунти | 11,81 |
| 1 Ирландия фунти | 64,54 |
| 1 Исландия кронаси | 0,60 |
| 10 Испания песети | 3,12 |
| 100 Италия лираси | 2,63 |
| 1 Канада доллари | 29,65 |
| 10 Хитой юани | 4,83 |
| 1 Кувайт динори | 133,76 |
| 100 Ливан фунти | 2,58 |
| 1 Малайзия ринггити | 16,02 |
| 1 Германия маркаси | 26,21 |
| 1 Норвегия кронаси | 6,17 |
| 1 Польша злотийси | 14,25 |
| 10 Португалия эскудоси | 2,59 |
| 1 Сингапур доллари | 28,44 |
| 1000 Туркия лираси | 0,43 |
| 1 Финляндия маркаси | 8,78 |
| 1 Франция франки | 7,74 |
| 1 Швеция кронаси | 6,08 |
| 1 Швейцария франки | 31,93 |
| 1 ЭКЮ | 50,26 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,48 |
| 10 Япония иенаси | 3,59 |
| 1000 Россия рубли | 7,38 |
| 1000 Украина гривнаси | 22,66 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,72 |
| 1 Эстония кронаси | 3,28 |
| 1 Латвия лати | 72,12 |
| 1 Литва лити | 10,03 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 0,58 |
| 1 Қирғизистон соми | 2,94 |

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ваколатли банклар эркин муомаладаги нақд валютани айирбошлаш шохобчалари орқали сотишда уларнинг сотиш ва харид қилиш қийматини талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайдилар. Валютани аҳолидан сотиб олишда воситачилик ҳақи олинмайди.

• Бизнинг ютуқларимиз

# РЕАКТОРНИНГ ЯНГИ ЗИРҲИ

**1996 йилнинг кузи Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти жамоаси учун ҳар йилгидан хайрли келди. Институт 40 ёшга тўлди.**

***Аммо бу ёш институт жамоаси учун ҳаёт кузи эмас, балки яратувчилик баҳоридир. Бу ерда меҳнат қилаётган жамоа орасида ЎзФАнинг 6 аъзо ва мухбир аъзоси, 35 фан доктори ва 170 фан номзоди бор.***

***Бироқ биз ушбу мақолада институтнинг юбилейи ҳақида эмас, балки унинг фаолиятида юз берган ажойиб воқеа — атом реакторини физик ҳимоялашнинг янги тизими очилганлиги хусусида ҳикоя қилмоқчимиз.***

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: нима, аввалги ҳимоя тизими талабга жавоб бермасмиди? Бу савол ҳам ўринли, ҳам ўринсиз, дейиш мумкин. Зеро, «Янги» ва «Эски» ҳимоя тизими масаласи миллий тафаккурнинг мангулиги, барча технологияларнинг, жумладан, атом реактори ҳимоясининг ҳам такомиллашуви демакдир. Маълумки, маъжозий маънода айтиладиган бўлса, бу — артиллерия снарядларининг танк зирҳига нисбатан доимий қарама-қарши туришидир: у ёки бу қисмнинг сифати ошса, бошқа қисмга, албатта таъсири бўлади.

Бу ўринда ядро қуролини тарқатмаслик сиёсати бўйича котибиятнинг катта маслаҳатчиси ва қуролланиш, ядро қуролларини тарқатмаслик бўйича назорат бўлими директори Кеннет Н. Лоунгонинг ушбу воқеага айнан алоқадор хатини келтириш жоиздир. Мактуб Ядро физикаси институти директори Беҳзод Йўлдошев номига йўлланган бўлиб, ўзбек ядрочиларининг Буюк Британия ва АҚШ, жумладан, АҚШ Энергия департаменти, Санди миллий лабораторияси, бир қатор инглиз ва америка фирмалари мутахассислари билан биргаликдаги қарийб саккиз ойлик машаққатли меҳнатларига якун ясалади:

«Ҳурматли доктор Йўлдошев! АҚШ Энергия департаменти номидан Сизни ва жамоангизни реакторни ҳимоя қилиш, ядро материалларини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини ўрнатиш ишлари муваффақиятли тугалланганлиги билан табриклайман. Президент Клинтоннинг ташаббуси билан бизнинг Департаментимиз ядро материаллари хавфсизлиги (ҳимояси)ни яхшилаш, ядро қуролларини тарқатмаслик борасида янги мустақил давлатлар билан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси билан АҚШ Энергия департаменти ўртасидаги ўзаро саъй-ҳаракатлар туфайли бизнинг материалларни ҳимоялаш, уларни назорат қилиш ва ҳисобга олиш бўйича кенг қамровли лойиҳамиз муваффақиятли якунланди. Бу ядро материалларини халқаро андозаларга мувофиқ ҳолда ҳимоялаш ва ҳисобга олиб бориш имконини берди. Ядро материалларидан рухсатсиз фойдаланиш хавфи анча камайди. Қилинган ушбу яхши ишлар учун катта раҳмат!

Самимий ҳурмат билан
Кеннет Н. Лоунго.

Бу ерда гап нафақат ядровий, балки алоҳида категориядаги объект ва материаллардан фойдаланиш ҳуқуқини назорат қилиш ва ҳимоялашнинг энг замонавий тизимини барпо этиш ишларида Ўзбекистонга бегараз ёрдам бериш ҳақида бормоқда.

Институт ҳамда унга қарашли тажриба заводининг юқори малакали мутахассислари америкалик ҳамкасблари билан ҳамкорликда энг янги тизим лойиҳасини ишлаб чиқиб, жадал жорий этдилар. Бу ишни МАГАТЕ ҳам фаол қўллаб-қувватлади. Ўзбекистон бу ташкилотга аъзо бўлиб, 1994 йилда ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисида шартнома тузган ва ушбу ҳужжатга қатъий амал қилмоқда.

**Ю. КОГТЕВ.**



*Жиззах шаҳридаги «ЖИБРИ» корхонаси кунига 2,5 тонна истеъмол мойи ишлаб чиқарадиган бўлди.*
*СУРАТДА: ишчилар О. Усмонов Л. Дуланова.*
Н. АЛМУРОДОВ олган сурат.

# ТАДБИРКОРЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

***Асака туманида ўнлаб кичик корхонаю цехлар фаолият кўрсатмоқда. Давлат тасарруфида бўлмаган ана шу корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот барчага манзур бўлаётир.***

Тадбиркорликка кенг йўл очилганлиги айни муддао бўлди. Аввало, юзлаб янги ишчи ўринлари вужудга келди. Қолаверса, аҳолининг кундалик зарур нарсаларга, халқ истеъмоли молларига бўлган талаб ва эҳтиёжини қишлоқнинг ўзида қондириш имкони вужудга келди. Ҳозир қишлоқларда 31 та тегирмон ишлаб турибди. Ўтган саккиз ой мобайнида бу ерда 1226 тонна дон тортилди. 9 та обжувоз ёрдамида аҳоли 33 тонна шолини янчиб олди. 7 жойдаги оҳак пишириш цехи 266 тонна оҳак тайёрлаб берди. Шунингдек, 5 жойдаги пишиқ ғишт цехи аҳолига минглаб аъло сифатли қурилиш материаллари тортиқ этдилар.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

• Табиат ва биз

# НОИНСОФЛАР

**Табиатни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз, дея жар соламиз. Лекин аслида ҳам шундай бўляптими?**

Навоий вилоятида жорий йилнинг олти ойида табиатга зарар етказаётган 79 та ҳодиса қайд этилди. Табиатни муҳофаза қилиш вилоят қўмитасидагиларнинг маълум қилишича, Самарқанд вилоятидан балиқ овига келувчиларнинг оқими кўпайиб бораётир. Қармоқ, тўр кўтарган самарқандлик шаввозларни Айдаркўлда ҳам, Тўдакўлда ҳам учратиш мумкин. Масалан, шу йилнинг ўзида 48-72 СНН давлат номери «КамАЗ» автомашинаси икки марта ушланган. Биринчи марта ушланганида унинг бортида қарийб 700 килограмм, иккинчи марта олди тўсилганида эса салкам икки тонна балиқ бор эди. Ҳар икки сафар ҳам уни ноқонуний йил билан олиб кетмоқчи бўлишган.

Шундай қилиб ўтган 6 ойда табиатга зуғум ўтказган шахсларга қарийб 41 минг сўм жарима солинди, улардан 28 та милтиқ тортиб олинди. Балиқ ушлайдиган тўрлар, ёввойи ҳайвонларга қўйилган тузоқлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Табиатни бойитиш, уни чиройли ва гўзал бўлиши ҳар биримизга боғлиқ. Ёввойи қушларга бой тўқайзорларда, суви шарқираб оқаётган дарё бўйларида, мавжланиб турган мовий кўл бўйида бўлган киши буни дилдан ҳис қилади, она-табиатимизнинг нақадар бой ва гўзал эканлигидан қалби қувончларга тўлади. Ана шундай кайфиятда бўлган кишининг ноқонуний ов билан шуғулланувчиларга нисбатан дилида фақат бир гап такрорланади: «Инсофсизлар ! »

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

